

Қурбон ҳайити муборак!



09:19 / 20.07.2021 2779

Ассалому алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ!

Азиз юртдошлар, муҳтарам мўмин-мусулмонлар! Сиз азизларни ва барча мўмин-мусулмонларни Ийдул Азҳо - Қурбон ҳайити билан самимий муборакбод этамиз! Динимизни мукамал ўрганиб, Ўзи рози бўладиган тарзда амал қилиб боришингизда Аллоҳ таоло мададкор бўлсин! Ушбу муборак кунлар, унда қилинган дуои хайрлар эвазига бошимизда турган синовли кунларни аритишини Ўзи насиб қилсин! Қилинажак қурбонликларимизни фақат Аллоҳ таолонинг розилиги учун бўлишини, бунинг орқасидан улкан-улкан савобларга эришимизни насиб қилсин!

Ҳақ таоло юртимизни ҳамиша обод, ҳалқимизни тинч ва фаровон айласин!

Абу Саъийд Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Фотимага: «Қурбонлигинг олдида туриб, гувоҳ бўл. Чунки қурбонлик қонининг биринчи қатраси томиши билан ўтган гуноҳларинг мағфират қилинади», дедилар. Шунда у

(Фотима онамиз): «Эй Аллоҳнинг Расули, бу фақат биз — оли байт учунми ёки биз ва барча мусулмонлар учунми?» дедилар. Шунда у зот: «Биз ва барча мусулмонлар учун», дедилар».

Табарони, Ҳоким, Байҳақий ва бошқалар ривоят қилган.